

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДОШЕВ ЖАВЛОН АБДУРАИМ ЎҒЛИ

**ТАЖРИБАДА МАҲАЛЛИЙ ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИДАН ОЛИНГАН
ПРЕПАРАТНИНГ ЎСМАГА ҚАРШИ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (PhD)

Юлдошев Жавлон Абдураим ўғли

Тажрибада маҳаллий ўсимлик хом
ашёсидан олинган препаратнинг ўсмага
қарши таъсирини ўрганиш

3

Юлдошев Жавлон Абдураим-углы

Изучение противоопухолевого действия
в эксперименте препарата полученного
из местного растительного сырья

22

Yuldoshev Javlon Abduraim ugli

The study of the antitumor effect in an experiment of a drug obtained
from local raw materials

41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

46

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮЛДОШЕВ ЖАВЛОН АБДУРАИМ ЎҒЛИ

**ТАЖРИБАДА МАҲАЛЛИЙ ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИДАН ОЛИНГАН
ПРЕПАРАТНИНГ ЎСМАГА ҚАРШИ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/Tib564 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч хил тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Шавкат Нарзикулович
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мухаммедаминов Шухрат Каримжонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кадирова Дилобар Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси 2025 й. «___» _____ да соат ____ да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-06.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

М.Н.Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Н.Абдихақимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё миқёсида ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар сирасига кирувчи хавфли ўсмаларга қарши кураш катта аҳамиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «...хавфли ўсмалар аҳоли орасида ўлим сабаблари таркибида қон айланиш тизими касалликларидан сўнг иккинчи ўринда туради»¹. Ўсмаларнинг комплекс давосида, жумладан кимётерапияда баъзи бир муваффақиятларга эришилганига қарамай, саратон билан касалланган беморларни даволаш ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Тегишли даволаш схемасини, таъсирли препаратларни танлаш муаммоси, онкология соҳасида бугунги кунда долзарб муаммодир. Шунга кўра, саратон касалликларини ўз вақтида самарали даволаш ва эрта ташҳисотининг замонавий усулларини қўллаш орқали ўлим ҳолатларини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ўсма касалликларининг клиник кечиши, ташҳисоти ва даволаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан энг кам ножўя таъсирга эга, иммун тизимни пасайтирмайдиган, балки рағбатлантирадиган ва гемотоксик таъсир кўрсатмайдиган ўсмаларга қарши юқори фаолликка эга янги препаратларни яратиш, маҳаллий ўсимлик хомашёларидан саратонга қарши дори воситаларини ишлаб чиқиш орқали хавфли ўсмаларни даволашнинг замонавий консерватив усулларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда 130 мингга яқин инсон онкологик касалликлардан азият чекмоқда ва ўсмани даволашнинг энг кўп қўлланиладиган ва таъсирчан усулларидан бири кимётерапия ҳисобланади. Онкологик беморларни даволашда цитостатикларнинг кенг қўлланилишига қарамай, уларнинг ножўя таъсири тез-тез кузатилади, уларда дорига чидамлилик тез ривожланади ва бир қатор ўсмаларнинг мавжуд дориларга сезгирлиги йўқолади. Натижада камроқ токсикликка эга бўлган ва самаралироқ ўсмага қарши дори воситаларини ишлаб чиқиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Мамлакатимизда онкологик касалликларни ташҳисоти ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорида² «...саратоннинг эпидемиологияси ва хавфли ўсмалар ривожланишининг молекуляр-биологик механизми, ўсмага қарши маҳаллий препаратларни

¹World Health Organization: Cancer. World Health Organization website 2019. <https://www.who.int/ru/newsroom/fact-sheets/detail/cancer>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сонли " 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси онкологик хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдамни такомиллаштириш тўғрисидаги Қарори.

ишлаб чиқиш соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш» каби вазифалар белгиланган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда дунёнинг етакчи илмий марказларида илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири бу ўсманинг дори воситаларига чидамлилигини ўрганиш (Toshihiko A., et al., 2011; Zhai H., et al., 2016), ўсма резистентлигини енгадиган янги антитумороз дориларни излаш (Mehta A., et al., 2018; Martin-Yken H., 2020) ўсмага қарши таъсирчан даволаш схемаларини яратишдир (Filipits M., 204; Hirai F., et al., 2015; Farago A.F, et al., 2019). МДХ мамлакатларининг илмий марказларида ўсма хужайраларининг кимёвий препаратларга чидамлилиги механизмларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дори-дармонга чидамли ўсмалар фенотипини ҳосил бўлишида MDR1 гени ва дори ташувчи Р-гликопротеин экспрессиясининг ўрни (Блохин Д. Ю., 2009) ва p53 ўсмани ингибирловчи функцияси ўрганилган (Рамазанов Б. Р. ва бошқ., 2016). Топоизомеразаларнинг хавфли ўсмаларда ДНК синтезини қайта тиклаш тизимининг бузилишидаги ўрни аниқланган (Деженкова Л.Г., 2014; Самусева А. А., ва бошқ., 2017).

Республикада Биоорганик кимё институти олимлари тузилиши ва ўсма нишонларига таъсир этиш механизми билан фарқ қилувчи дори воситаларини яратишга катта ҳисса қўшдилар. Янги дориларнинг Акатон, саркома 45 ўсма хужайралари моделларига антипролифератив таъсири ўрганилган (Ҳашимова З. С. ва бошқ., 2019). ЎЗМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида КДЧ фенотипли ўсмалар ҳосил бўлишида ўсма супрессори p53 ва MDR1 генининг роли молекуляр онкология соҳасида текширилди (Қодирова Д. А. ва бошқ., 2020; Авезов Н.Ж., 2021). Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг РИОваРИАТМ ўсмага қарши препаратларини ишлаб чиқиш лабораториясида синтез ишлари олиб борилди ва колхицин ҳамда колхамин трополон алкалоидлари асосида олинган янги бирикмаларнинг биологик хусусиятлари ўрганилмоқда (Еникеева З.М., 2016).

АҚШ Миллий саратон институтида (NCI USA) 60 та инсон саратон линияларидан иборат панелда *in vitro* тадқиқотда янги препаратларнинг аксарият ўсма линияларида юқори ўсмага қарши фаоллиги намоён бўлди. Олиб борилаётган ушбу тадқиқотлар импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилиши мумкин бўлган маҳаллий ўсимлик хомашёсидан олинадиган саратонга қарши таъсирга эга препаратларни яратиш имкониятини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг "Маҳаллий

ўсимлик хом ашёсидан олинган янги кам токсик колхаметин (К-2) ўсмага қарши препаратини яратиш” мавзусидаги АДСС 15.9.4 рақамли илмий-амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади экспериментда колхаметиннинг ўсмага қарши фаоллигини ўрганиш ва токсик таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экспериментда колхаметиннинг токсик ва терапевтик дозаларини аниқлаш;

колхаметиннинг ўсмага қарши фаоллигини ўсмаларни кўчириб ўтказишнинг эрта ва кечки даврларида ҳамда камайтирилган дозада қўлланганда ўрганиш;

хайвонларнинг турли ўсма штаммларида колхаметинни ўсмага қарши фаоллигини амалиётда кенг қўлланиладиган анъанавий цитостатиклар билан солиштириш орқали тадқиқ қилиш;

экспериментал тадқиқотларда колхаметин препаратининг иммунитетга таъсирини ўрганиш;

токсикологик тадқиқотларда колхаметиннинг токсиклик даражасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида саркома 180, Эрлих солид ва асцитик ўсмалари, Уокер карциносаркомаси, саркома 45 ва тухумдон саркомалари кўчириб ўтказилган зотсиз сичқон ва каламушлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг РИОваРИАТМда ўсмага қарши дориларни ишлаб чиқиш лабораториясида синтез қилинган янги К-2 (колхаметин) препарати олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун экспериментал онкология усуллари, иммунологик, токсикологик ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экспериментда колхаметиннинг юқори цитостатик ва паст салбий самараси LD₅₀ 890 мг/кг токсиклигига эга бўлганлиги туфайли қўллаш имкони мавжудлиги исботланган;

ўсмага қарши экспериментал дори-воситалар хайвонларнинг ўсма штаммларида цитостатик таъсири юқори антимитотик фаоллиги ҳисобига исботланган;

ўсмага қарши экспериментал дори-воситалар терапевтик дозаларда экспериментал сичқон ва каламушларнинг иммун тизими Т ва В ҳужайралари зеносини иммун танқислиги ҳисобига таъсир кўрсатмаслиги аниқланган;

экспериментал дори-воситалар терапевтик дозаларда хайвонларнинг паренхиматоз органларига ва қон ивишига токсик таъсир кўрсатиши сабабли препаратнинг инъекцион шаклидаги эритмасини ҳамроҳ қўмаклашувчи терапия билан қўлланилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хайвонларнинг турли ўсма штаммларида колхаметинни ўсмага қарши фаоллиги 6 та ўсма штаммида ўрганилганда ва амалиётда кенг қўлланиладиган

анъанавий цитостатиклар билан солиштирилганда К-2 препаратининг юқори антитумороз таъсири борлиги аниқланди;

препаратни токсикологияси ва фармакокинетикасини ўрганиш натижасида унинг токсик таъсирини камайтириш учун колхаметиннинг 1% инъекцион шаклидаги эритмасини ҳамроҳ қўмаклашувчи терапия билан қўллаш тавсия қилинади;

илмий изланишлар натижасида соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш учун препаратнинг инъекцион шакли яратилди;

колхаметин препаратини ўсмага қарши дори сифатида клиник амалиётга жорий этиш учун услубий қўлланма тайёрланиб, унинг дозалари ва қўллаш усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, экспериментал ҳайвонлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи экспериментал онкология, иммунологик ва статистик усуллар, олинган барча натижалар ва хулосаларнинг далилларга асосланган биокимёвий тиббиёт тамойилларига асосланганлиги, статистик қайта ишлаш натижаларнинг ишончлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, хавфли ўсмаларни кимётерапевтик даволаш самарадорлигини ошириш, тадқиқ этилган колхаметин препаратининг бир қатор ўсмаларга нисбатан митотик фаоллиги, юқори даражада - алкиллаш, ДНК деградацияси ва ДНКнинг фрагментларга ажралишини рағбатлантириши, уларнинг юқори цитотоксик таъсири учун масъул бўлган топоизомераз II ни ингибирлаши, КХБларнинг юқори индукцияси ўсманинг ўсишини пасайтириш билан бир қаторда иммунитетни ва гемопозитик параметрларни ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўсмаларга таъсир қиладиган янада кучлироқ фаолликка эга бўлган янги ўсмага қарши дори ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Бироқ, унинг узоқ муддатли ишлатилиши паренхиматоз аъзоларга токсик таъсир кўрсатади. Тегишли қўмаклашувчи даволаш билан янги препарат қўлланилиши билан янада самарали қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/71-сон қарорига кўра:

Биринчи илмий янгилик: экспериментда колхаметиннинг юқори цитостатик ва паст салбий самараси LD₅₀ 890 мг/кг токсиклигига эга бўлганлиги туфайли қўллаш имкони мавжудлиги исботланганлиги, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали илмий-тадқиқот бўлими амалиётига 2023 йил 23 майдаги 1337-7-2023-сонли буйруқ билан тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* экспериментда маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан янги ўсмага қарши препарат яратилганлиги ва унинг қўллаш дозаларини аниқланганлиги ўсма касалликларни даволаш имконини оширади. *Иқтисодий самарадорлиги:* колхаметинни мамлакатимиз олимлари томонидан яратилиши

ва унинг қўллаш дозаларини белгиланиши келажакда унинг клиник тадқиқотлар ўтказилишини таъминлайди. *Хулоса:* маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан янги ўсмага қарши фаол препаратнинг яратилиши ва унинг терапевтик дозаларини аниқланиши кейинги босқич тадқиқотларга имкон беради.

Иккинчи илмий янгилик: ўсмага қарши экспериментал дори-воситалар ҳайвонларнинг ўсма штамларида цитостатик таъсири юқори антимицитотик фаоллиги ҳисобига исботланганлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали илмий-тадқиқот бўлими амалиётига 2023 йил 23 майдаги 1337-7-2023-сонли буйруқ билан жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ҳайвонларда олиб борилган тадқиқотларда колхаметиннинг ўсмага қарши юқори фаоллиги онкологик беморларни даволаш имкониятини оширади. *Иқтисодий самарадорлиги:* колхаметиннинг ўсмага қарши юқори фаоллигининг исботланиши унинг устида кенг тадқиқотлар олиб борилишини ва натижада импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириш имконини берувчи маҳаллий цитостатик дори воситасини ишлаб чиқариш имкониятини беради ва давлат бюджетидан кимёвий препаратларга ажратиладиган маблағнинг 12% ини иқтисод қилиш имконини беради. *Хулоса:* колхаметиннинг ўсмага қарши фаоллиги ҳайвонларнинг 6 та ўсма штаммида ўрганилганда, унинг 5 та ўсма турида 90% дан юқори антимицитотик таъсири борлиги ва амалиётда кенг қўлланиладиган анъанавий цитостатиклар билан таққослаганда колхаметиннинг юқори цитостатик таъсири исботланган.

Учинчи илмий янгилик: ўсмага қарши экспериментал дори-воситалар терапевтик дозаларда экспериментал сичқон ва каламушларнинг иммун тизими Т ва В ҳужайралари звеносини иммун танқислиги ҳисобига таъсир кўрсатмаслиги аниқланганлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали илмий-тадқиқот бўлими амалиётига 2023 йил 23 майдаги 1337-7-2023-сонли буйруқ билан тадқиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* онкологияда ўсмаларни даволашга қаратилган деярли барча цитостатик препаратлар организм иммун кўрсаткичларини туширади, аммо янги яратилган колхаметин препарати улардан фарқли ўлароқ иммунитетга сезиларли таъсир кўрсатмайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* аксарият қўлланиладиган кимёвий воситалар организмда иммунитетга салбий таъсир кўрсатиши маълум ва бу режалаштирилган даволаш курсини тўлиқ олмасликни ёки даволаш муддатини ўртача 5 кунга узайтиришни талаб қилади, бундан ташқари кўшимча ҳамроҳ кўмаклашувчи терапия ўтказилишини талаб қилади. Колхаметиннинг терапевтик дозаларда иммун тизимига таъсир кўрсатмаслиги стационар ўрин-кунларининг 5 кунга қисқаришига ва ҳамроҳ кўмаклашувчи терапия учун зарур бўлган 1 курсда ўртача 1 млн. сўм иқтисод қилиниши таъминлайди. *Хулоса:* терапевтик дозаларда колхаметин иммун тизими кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги даволаш муолажаларини узлуксиз ва кўшимча харажатларсиз ўтказиш имкониятини беради.

Тўртинчи илмий янгилик: экспериментал дори-воситалар терапевтик дозаларда ҳайвонларнинг паренхиматоз органларига ва қон ивишига токсик

таъсир кўрсатиши сабабли препаратнинг инъекцион шаклидаги эритмасини ҳамроҳ кўмаклашувчи терапия билан қўлланилиши исботланганлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали илмий-тадқиқот бўлими амалиётига 2023 йил 23 майдаги 1337-7-2023-сонли буйруқ билан жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* колхаметиннинг сезиларли токсик таъсири йўқлиги унинг кенг қўллаш имкониятини кенгайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* колхаметин препаратининг 1% инъекцион шаклидаги эритмасини яратилиши ҳамда уни ҳамроҳ кўмаклашувчи терапия билан қўллаганда ички аъзолар фаолиятига таъсир кўрсатмаслиги амалиётда қўлланиладиган анъанавий цитостатиклардан устунлигини кўрсатади. *Хулоса:* колхаметин терапевтик дозаларда сезиларли аллергик таъсири йўқ, юрак-қон томир тизими ва қон босимида таъсир қилмайди, аммо айрим паренхиматоз органларга ва қон ивишига токсик таъсир кўрсатиши мумкинлиги сабабли препаратнинг 1% инъекцион шаклидаги эритмасини ҳамроҳ кўмаклашувчи терапия билан қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ж.А.Юлдошевнинг «**Тажрибада маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан олинган препаратнинг ўсмага қарши таъсирини ўрганиш**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 16 октябрдаги 03/2607 – сон хати билан соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Тадқиқотнинг натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан 5 та журнал мақолалари, шундан 3 таси республика, 2 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг ҳажми ва қисқача тузилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг адабиётлар шарҳи “Тубулин интерфаол агентлари, колхицин ва унинг унумлари” номли биринчи бобида онкологияда қўлланилувчи тубулинининтерфаол моддалар, масалан, колхицин,

винкаалкалоидлар, таксанлар ва уларнинг ҳосилалари, улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар, асосий ножўя таъсирлари ва уларга асосланган кимётерапия препаратларини ишлаб чиқиш, мақсадли ҳужайраларга адресли етказиб бериш ҳақида маълумотлар берилган. Сўнгра колхицин, унинг юқори токсиклиги, унинг табиий ва синтетик ҳосилаларидан фойдаланиш ҳақида маълумотлар келтирилган, колхициннинг табиий ҳосилалари орасида биринчи бўлиб тери саратонини даволашда онкологияда кенг қўлланиладиган колхамин бўлган. Адабиётда колхициннинг янги синтез қилинган ҳосилалари тақдим этилган бўлиб, улар асосан *in vitro* даражада ўрганилган. Шунингдек, РИОваРИАТМда колхицин ва колхамин ҳосилаларининг катта серияси ишлаб чиқилган ва 15 та модданинг таъсир механизми ўрганилган.

Шунингбек, адабиётлар шарҳида *in vitro* шароитда ўсмага қарши фаолликни ўрганиш ишлари (NCI маълумотлари) келтирилган ва улардан кўринадики, К-2 барча субпанелларда кучли цитостатик таъсир кўрсатади ва ўсмага қарши фаоллиги 2 та АКАТОН ва АКАТОЛ штаммларида мос равишда 76/75% ва 94/91% ни ташкил этди. К-2, шунингдек, сичқонлар ва каламушларнинг барча ўрганилган ўсмаларда самарали радиосенсибилизатор эканлигини исботлади. К - 2 таъсир механизмини ўрганиш шуни кўрсатдики, у нуклеин кислоталарнинг синтезини бостиради ва ДНКнинг интернуклеосомал деградациясини рағбатлантиради, этопозиддан кўра топоизомераза II фаоллигини юқори ингибирлайди, дорига чидамлик MDR2 генининг экспрессиясини сезиларли даражада бостиради ва булар унинг юқори ўсмага қарши ва митотик фаоллигини кўрсатади. Митотик фаоллик ва ҳужайраларнинг G₂- ва М-фазаларда аккумуляцияси, ҳужайралар бўлинишининг синхронизациясига ва тажрибада радиосенсибилизация фаоллигига олиб келади. КОЭс ни стимуляцияси гемопоестик ва иммун ҳужайраларининг шаклланишини таъминлайди, унинг организмга кучли цитотоксик таъсирини камайтиради ва ножўя таъсирининг пасайишига олиб келиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари” деб номланган иккинчи бобида, янги колхаметин (К-2) препарати, шунингдек таққослаш учун қўлланиладиган цитостатиклар, экспериментал ҳайвонлар ҳақидаги маълумотлар, ўсма штаммлари моделлари, шунингдек ишда қўлланиладиган тадқиқот усуллари тавсифланади.

Ушбу ишда қўлланилган ҳар икки жинс ва тана оғирлиги 18-23 г бўлган 292 зотсиз сичқон (197 та ўтказилган ўсмалар билан ва 95 интакт), оғирлиги 120-150 г бўлган 363 зотсиз каламушлар (121 та ўтказилган ўсмалар билан ва 149 интакт), оғирлиги 2,8-3,0 кг бўлган 94 та қуён ва оғирлиги 350-380 г бўлган денгиз чўчкалари ЎзР ССВ СЭС виварийсидан олинди. Ўсма штаммларини сақлаб қолиш учун 40 зотсиз сичқон ва 30 каламушлар қўлланилди. Ҳайвонлар сув ва озиқ-овқатдан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлган ва табиий ёруғлик шароитида 4-6 тадан иборат вивариумда сақланган.

К-2 препаратининг бир марталик қорин бўшлиғига юборилишида унинг умумий таъсири ва "ўткир" токсиклиги Литчфилд ва Уилкоксон усули ёрдамида сичқон ва каламушларда ўрганилди.

Ҳайвонларга ўсма штаммларини ўтказиш услубий қўлланмалар асосида амалга оширилди (Трещалина Е.М., 2012). Ўсма штаммининг тўқимаси стерил шароитда некротик соҳалардан тозаланди ва кейин гомогенизатордан ўтказилиб ўсма массасига 0,9% стерил физиологик эритма 1:10 нисбатда кўшилди. Ўсма массаси 0,3 мл ҳажмда 20 г сичқон вазнига ва 0,5 мл 100 г каламуш вазнига ўнг сонга тери остига кўчириб ўтказилди. Тажриба охирида ҳайвонлар умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилишнинг халқаро қоидаларига мувофиқ эфир наркози остида эвтанизация қилинди. Барча тажрибалар Жаҳон ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамияти (WSPA) ва "Экспериментал ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа Конвенцияси" (Strasburg, 1986) тавсиялари ва талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Ўсмага қарши фаолликни ўрганиш сичқонларнинг қуйидаги ўсма штаммларида: саркома 180, солид Эрлих ўсмаси (СЭЎ) ва асцитик Эрлих карциномасида (АЭЖ), шунингдек, каламушларнинг қуйидаги ўсма штаммларида: Уокер карциносаркомаси, саркома 45 ва тухумдонлар ўсмаси (ТЎ) да ўтказилди. Ўсма штаммлари РФФАНинг Н.Н. Блохин номидаги ОИМ ва Қозоғистон онкология ИТИ банкидан олинди ва ҳар бир штамм протоколларга мувофиқ сичқонлар ёки донор-каламушларга ўсмани ўтказишни умумий қабул қилинган усуллари асосида амалга оширилди (Трещалина Е.М., 2012). Сичқонларни даволаш ўсма имплантациясидан 3 ёки 4 кун ўтгач, шунингдек 10 кундан кейин (препаратнинг ривожланган ўсмаларга таъсирини ўрганилганда) бошланди, К-2 ни ҳар куни қорин бўшлиғига 10 ёки 5 сутка давомида турли дозаларда қўлланилди. Колҳамин, таксол, этопозид, доксорубицин, цисплатин, винкристин, циклофосфамид ва 5-фторурацил терапевтик дозаларда сичқонларга 10 марта юборилди. Назорат гуруҳларининг ҳайвонлари дори-дармонларни қабул қилиш кунларида физиологик эритмани етарли ҳажмда олишди. Даволаш тугагандан кейин 7 кундан кечиктирмай, сичқонлар лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг белгиланган усуллари ёрдамида ўлдирилган. Бошида ва тажриба охирида ҳайвонларнинг тана вазни аниқланди. Даволанган ва назорат гуруҳлари сичқонларида ўсманинг ўсиш динамикасини ўрганиш учун тажриба бошида ўсмалар ҳажми 3 проекцияда, сўнгра ўлдирилгунга қадар ҳар 5 кунда, шунингдек олинган ўсманинг ҳажми (V) ва массаси (M) ўлчанди. Ўсма ўсишини тормозлаш формулалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилди $TPO = V_k - V_o / V_k \times 100$ ва $TPO = M_k - M_o / M_k \times 100$ (Трещалина Е.М., 2012). Даволашни кўтара олишлик сичқонларнинг ўлими билан баҳоланди, ўлик ва ўлдирилган сичқонларда мумкин бўлган гепатотоксикликни билвосита баҳолаш учун талок массаси аниқланди.

АЭЖ билан тажрибада дориларнинг самарадорлиги назоратга нисбатан даволанган гуруҳларда сичқонларнинг умр кўриш давомийлигининг ошиши билан баҳоланди. Бу тадқиқот охирида ва барча ҳайвонларнинг ўлиmidан сўнг амалга оширилади. Гуруҳдаги ўртача умр давомийлиги (ЎУД, кунлар) аниқланади ва умр давомийлиги узайиши кўрсаткичлари (УДКУ%) $УПЖ\% = (СПЖ_{тажриба} - СПЖ_{назорат}) / СПЖ_{назорат} \times 100\%$.

Олинган маълумотларга 6.0 версиядаги Statistica дастури ёрдамида статистик ишлов берилди. Статистик аҳамият даражаси сифатида $p < 0.05$ қабул қилинди.

In vivo тизимидаги иммун ҳолат кўрсаткичларини ўрганиш учун сўйиш кунида Россия Федерацияси Иммунология институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология институтининг услубий тавсияларига мувофиқ циркуляциядаги қон ва талокдаги иммун ҳолат кўрсаткичлари ўрганилди [Залялиева М.В., Прохорова Р.С. 1999].

К-2 препаратининг кумуляциясини ўрганиш Lim'a усули ёрдамида амалга оширилди, бу нафақат кумуляцияни, балки ўрганиб қолишни ҳам баҳолашга имкон беради.

Сурункали токсиклик 40 та оқ наслдор бўлмаган иккала жинс 150 ± 15 г вазнли каламушларда ўрганилди. Уларга ҳар куни, кунига 1 маҳал, ҳафтада 7 кун, қорин бўшлиғига 15 кун давомида 13, 26 ва 39 мг/кг дозада К-2 юборилди. Ҳайвонларнинг назорат гуруҳига максимал 0,5 мл ҳажмда дистилланган сув юборилди. Ҳайвонлар кузатилди: уларнинг умумий ҳолати, хулқ-атвори, овқат ейиши, ичимлик суви ичиши, К-2ни қабул қилиш пайтида ҳам, препаратни охириги қўллашдан кейин 1 ой ўтгач ҳам кузатилди. Ҳайвонларнинг тана вазни ҳар ҳафтада аниқланди. Гематологик ва биокимёвий тадқиқотлар тажриба бошланганидан 5, 10 ва 15 кун ўтгач ва тажриба тугаганидан кейин тикланиш давридан 30 кун ўтгач амалга оширилди. Шу билан бирга, ҳайвонлар тарозида тортилди. Тажриба охирида натрий этаминал наркози остида баъзи ҳайвонларнинг декапитацияси бажарилган ва материал Ўзбекистон Республикаси фармакологик кўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ патоморфологик тадқиқотлар учун олинган. Баъзи ҳайвонлар тикланиш жараёнини ўрганиш учун колдирилган. Барча тажрибалар натижалари статистик қайта ишланган.

К-2 препаратининг қон ивиш жараёнига таъсири препаратни 13, 26 ва 39 мг/кг дозаларда юборилган 40 та оқ наслдор бўлмаган каламушларда ва 20 ва 30 мг/кг дозаларда юборилган 12 та қуёнда ўрганилди. Қон 10 ва 15 кундан кейин текширилди. Препаратлар таъсирида коагуляция жараёнининг ўзгаришининг умумий йўналиши тромбоэластограф тромб-2 да бажарилган тромбоэластограммалар ёзувлари билан баҳоланди. ЭКГ 12 каналли HeartScreen 80G-L электрокардиографида 11 стандарт симларида ўтказилди.

Марказий ва периферик асаб тизимларига таъсири "очиқ майдон" тести билан баҳоланди. Бу ҳайвоннинг уни тарк эта олмайдиган нотаниш очиқ майдонда бўлишидан келиб чиқадиган хатти-ҳаракатларини ўрганилди.

Ички аъзоларнинг патоморфологик текшируви. Гистологик текшириш учун экспериментал ҳайвонлардан 1 см^3 аъзо олинган. Бу майдон 10% нормал формалинда фиксацияланган. Кейин тўқима парафинга қуйилган ва қалинлиги 3-5 микрон бўлган гистологик препаратлар кесимлари тайёрланиб, улар гематоксин+эозин аралашмаси билан бўялган. Олинган препаратлар Leica-1000 FM микроскопи (Германия), окуляр 10x, объектив 10x и 40x остида таҳлил қилинган.

Препаратнинг аллергенликка таъсирини ўрганиш учун 12 куёнда конъюнктивал синамаси ўтказилди. Бунда уларнинг чап кўзига 0,1 мл 1,0 ва 5% эритмаси томизилди, иккинчи кўзга 0,1 мл дистилланган сув юборилди (назорат). Реакция 15 дақиқадан сўнг (тез реакция) ва 24-48 соатдан кейин (кечиктирилган юқори сезгирлик) ҳисобга олинди ва балларда шкала бўйича баҳоланди, бундан ташқари, гиперемия, шиш, лакримация даражаси ҳисобга олинди.

К-2 препаратининг маҳаллий-таъсирловчи таъсири 12 та каламушларда ўрганилди. Ҳайвонларнинг туклари умуртқа устунининг иккала томонида (4 майдон) 2x2 см ўлчамда кесилди. Каламушларнинг чап томонидаги орқа томоннинг иккита кесилган жойига 0,5 мл К-2 эритмалари 2 концентрацияда (1,0 ва 5,0%) суртилди. Препарат 10 кун давомида қўлланилди. Назорат гуруҳида кесилган жойларга бир хил ҳажмда дистилланган сув қўлланилган (2 та ўнг чекка). Кузатув 14 кун давомида ўтказилди. Тери реакцияси ҳар куни балларда тери синовлари шкаласида ҳисобланди.

Препарат 10,0 ва 100,0 мг/кг дозаларда аллергизацияловчи фаоллиги 88 та денгиз чўчқаларида ўтказилди. Препаратнинг аллергенлиги аллергик анафилактик шок, кечиккан типдаги гиперсезгирлик (КГС) ва но аллегрик контакт дерматит белгилари билан баҳоланди.

К-2 препаратининг юрак-қон томир тизимида, қон босимида ва юрак уриш тезлигига таъсири 18 та куёнларда ўрганилди. К-2 препаратининг юрак-қон томир тизимида (ЮҚТ) таъсири қон босими, юрак уриши ва ЭКГ ўзгариши билан баҳоланди. Юракнинг электрофизиологик фаоллиги 80 ммли 3-каналли созланган принтер ва ЖК дисплейли синхрон 12 каналли ЭКГ ускунаси - Heart Screen 80G-L компьютер электрокардиологик комплекс ёрдамида регистрация қилинди. К-2 нинг ЭКГга таъсири иккала жинсли 2,0±0,2 кг оғирликдаги 12 та куёнда, 20 ва 40 мг/кг дозаларда бир марталик қорин бўшлиғига юборилиши билан ўрганилди. ЭКГда 15 ва 30 дақиқадан сўнг қайд этилди.

К-2 препаратининг қон босимида таъсирини ўрганиш 12 та Шиншил насли куёнларда ўтказилди. Қон босими қон босимини ўлчовчи автоматик тонометр ва пульс частотаси рақамли LD 8 ёрдамида ўлчанди. Улар препаратни қорин бўшлиғига киритишдан олдин ва киритгандан 10, 20, 30 ва 120 дақиқадан кейин 20 ва 40 мг/кг дозаларда динамикада ўрганилди.

Статистик таҳлил учун Statistica 6.0 (StatSoft, АҚШ) амалий дастурий таъминот тўплами қўлланилган, олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш ўртача арифметик, ўртача хато, ўртача квадрат оғиш ва Стъудентнинг t-критерийсини ҳисоблаш билан WindowsExcel 2010 статистик дастурлари ёрдамида Стъудентнинг критерийсини аниқлаш билан амалга оширилди. Статистик аҳамиятга эга бўлган натижа деб $p < 0.05$ қиймати олинди.

Диссертациянинг “Сичқонлар ва каламушларнинг кўчириб ўтказилган ўсмаларида колхаметиннинг токсиклиги ва унинг ўсмага қарши in vivo фаоллиги” деб номланган учинчи бобида К-2 препаратини сичқонлар ва каламушларнинг қорин бўшлиғига юборилганда ўткир токсиклиги ўрганилди. Бунда сичқонларга қорин бўшлиғи ичига бир марта юборилганда LD₅₀ нинг летал дозаси 890 (-150+172) мг/кг ни, LD₁₀= 631 (-

164+221) мг/кг ни, LD₁₆=750 (-161+203) мг/кг.ни ва LD₈₄=1020 (-260+350) мг/кг ни ташкил этади.

Қорин бўшлиғи ичига бир марта юборилганда LD₅₀ нинг ўртача летал дозаси 410 (-56+61) мг/кг.ни, LD₁₀= 316(-60+72)мг/кг.ни, LD₁₆=350(-48+53)мг/кг.ни ва LD₈₄=470(-96+123) мг/кг.ни ташкил этди.

Шундай қилиб, К-2 препарати субстанциясининг ўткир токсиклигини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу препарат паст токсик бирикмаларнинг IV синфига тегишли экан.

К-2 ўсма кўчириб ўтказишдан кейинги эрта ва кечки даврларда, шунингдек, юборилиш сонининг камайишида сичқон ва каламушларнинг 6 та ўсмасида ўрганилди.

К-2 препаратининг солид Эрлих ўсмасида кўчириб ўтказишдан кейинги дастлабки даврда ўсмага қарши фаоллиги ва унинг фаоллигини таксол ва этопозид таъсири билан таққосланганда (1-жадвал), К-2 МКД да (120 мг/кг) ўсма ўсишини МКДда К-2 ўсма ўсишининг 92/93% га сезиларли тормозланишини чақирди (ўсма ҳажми/массаси бўйича) ва ўсмаларнинг 25%и регрессияланди. Камайтирилган дозада унинг фаоллиги камроқ бўлди ва 72/63% га тенг бўлди. Этопозид 15 мг/кг терапевтик дозада қўлланилди, бу препарат ўсма ўсишининг 87/82%га сезиларли тормозланишига сабаб бўлди. Ушбу тажрибада этопозид тана вазнини камайтирмади, аммо назорат билан солиштирилганда талоқнинг оғирлигини сезиларли даражада камайтирди (70% гача) гемоглобин даражасини (19% га), эритроцитлар (12% га) ва лейкоцитлар сонини 22% га камайтирди.

К-2 нинг ножўя таъсири пастроқ бўлди: иккала дозада ҳам у ҳайвонларнинг тана вазнининг ошишига ёрдам берди, аммо талоқнинг вазни назоратга нисбатан икки баравар камайди.

1-жадвал.

СЭЎ штаммида препаратларнинг ўсмага қарши фаоллиги (эрта давр) (ўсма кўчириб ўтказилгандан кейинги 4 кундан бошлаб даволаш: воситаларни 10 та юборилиш)

Ҳайвонлар гуруҳи, дозалар (мг/кг)	ўсма вазни, г	ўсма ҳажми, (а x в x с) см	% ТРО V/ m, % регресса	Талоқ массаси	Гемогл. (г/л)	Эритр. 10 ⁻¹² /л	Лейко ×10 ⁹ /л
1. назорат	2,7±1,3	3,8±3,42		0,2±0,1	122±6	4,3±0,4	4,1±0,3
2. К-2 80 мг/кг	1,3±0,3**	1,7±0,3*	72/65	0,1±0,03	127±3	4,7±0,03	3,8±0,1
3. К-2 120 мг/кг	0,2±0,02*	0,1± 0,03	92/ 93 25%	0,1±0,03	112,0±16	3,6±0,05	3,7±0,3
5. Этопозид (15)	0,5±0,16*	0,5± 0,17 (p=0.000886)	87/ 82 25%	0,06±0,01	98±11	3,8±0,2	3,0±0,5
6. Таксол (12)	0,6±0,22* p=0.003497	0,9±0,34* p=0.001499	76/77 25%	0,2±0,05	98±10	3,4±0,2	3,2±0,2

*Изоҳ: даволаш гуруҳларида n=6, назоратда n=8; * назорат билан таққосланганда фарқлар статистик ишончли, P ≤ 0,05.*

К-2 80 мг/кг дозада гемоглобин ва эритроцитлар даражасини пасайтирмади ва лейкоцитлар сони 7% га камайди. К-2 120 мг/кг дозада гемоглобин даражасини бироз (8% га), эритроцитларни (16% га) ва лейкоцитлар сонини 9,7% га камайтирди. Шундай қилиб, К-2 СЭЎ штаммида МКД 93% да жуда юқори ўсмага қарши фаоллигини кўрсатди, бу эса бу турдаги ўсма учун муҳим кўрсаткич бўлиб, ножўя таъсир даражаси талоқ массасининг пасайишида ифодаланди. Таксол ва этопозиднинг ўсмага қарши таъсири камроқ аҳамиятли эди ва иккаласи ҳам гемапоз кўрсаткичларини сезиларли пасайтирди.

К-2, СЭЎ штаммида ривожланган ўсмаларга ТДда таъсир қилишда, эрта даврида ишлатилганга қараганда 94%гача бўлган кам бўлмаган ўсмага қарши фаолликни кўрсатди. Бунда унинг фаоллиги у олинган колхаминнинг таъсирига қараганда 50% юқори бўлди, шунингдек, таксолдан (9%) ва этопозиддан (21%) ҳам юқори бўлди ва бунда К-2 камроқ сонли ножўя таъсир кўрсатди.

Саркома 180 штаммида К-2 препарати ҳам 10 марта, ҳам 5 марта юборишда, шунингдек ривожланган ўсмаларга таъсирида ҳам юқори фаоллик кўрсатди. Унинг фаоллиги таққосланган дорилардан (колхамин, винкристин, доксирубицин, циклофосфан ва таксол) юқори ва ножўя таъсир даражаси паст бўлди.

2-жадвал

К-2 нинг саркома 180 штамми бўлган сичқонларга таъсири (ўсма кўчириб ўтказишдан кейинги 3 кундан бошлаб даволаш: препаратни 5 ва 10 марта юбориш)

Ҳайвонлар гуруҳи, Препарат, доза (мг/кг) Юборишлар сони	ўсма вазни (г)	ўсма ҳажми (см ³)	Талоқ вазни (мг)	тормозланиш		Лейкоцитлар ×10 ⁹ /л
				ТРО %	регресс %	
1. назорат	0,46±0,04	0,32±0,03	0,4±0,024			9,6±0,9
2. К-2 100 мг/кг 10- марта	0,026±0,009	0,021±0,011	0,3±0,02	93/94	37,5	7,4±0,6
3. К-2 100 мг/кг 5- марта	0,023±0,072	0,022±0,039	0,3±0,03	93/95	25	8,0±0,4
4. винкристин (0,4-10-кр)	0,16±0,01	0,13±0,02	0,3±0,02	59/65		4,5±0,2
5. доксирубицин (1,5-10-марта)	0,06±0,009	0,045± 0,02	0,2±0,02	86/90		5,4±0,8
6. циклофосфан (10-10-кр.)	0,08±0,017	0,08±0,04	0,2±0,025	98/98		3,5±0, 5

Изоҳ: * назорат билан таққосланганда фарқлар статистик ишончли, $P \leq 0,05$.

АЭЖ ўсмасида К-2 нинг 100 мг/кг дозадаги фаоллиги колхамин ва винкристин билан солиштирганда энг юқорилиги аниқланди ва ХДО 107,4% ни ташкил қилди.

Каламушлар ўсмаларида препарат 10 марталик юборилишда 90% га яқин ва ундан ошадиган юқори фаоллик кўрсатди. С-45 да К-2 препарати кўчириб ўтказишдан кейинги эрта даврда МКДда (45 мг/кг дозада) 95/91% га самарали бўлди, ТДда (40 мг/кг) унинг самараси 89/89% ни ташкил этди ва бу циклофосфан таъсиридан юқоридир (84/73%). Каламушларининг С-45 ўсма штаммига 10 марта юборишда кўчириб ўтказишдан кейинги кеч даврда К-2 нинг ўсмага қарши фаоллиги 45 мг/кг дозада энг юқори бўлган, паст дозада фаоллик 7-8% камроқ бўлган, бу дозаларда препарат ҳайвонларнинг ўлимига олиб келмайди, тана вазнини камайтирмайди ва талокнинг оғирлигини бироз камайтиради. Таққослаш дориларидан цисплатиннинг таъсири бу фаоллигига энг яқин бўлди - 90/87%, таксол, доксирубицин, этопозид ва циклофосфанда фаоллик К-2 фаоллигига 40 мг/кг дозада яқинроқ бўлди, бошқа дориларда (5-фторурацил ва винкристин) фаоллик 30% га ва колахминда 40% га паст бўлди ва бунда кучли ножўя таъсирлар кузатилди. С-45 ўсмали каламушларга кўчириб ўтказишдан кейин кеч даврида К-2 ни 100 мг/кг дозада бир марта юборилиши 64% самарага сабаб бўлди.

УКС ўсмаларида К-2 препарати билан 90/91% самарага эришилди, 5 марта юборишда препаратнинг 45 мг/кг дозадаги фаоллиги 89/90% ни ташкил этди. К-2 самараси фаоллиги 48/47% бўлган колхамин фаоллиги билан таққосланди. Кеч даврда препаратнинг таъсирини ўрганилганда К-2 нинг фаоллиги 45 мг/кг дозада энг юқори бўлди (90%), паст дозада фаоллик 4%га камроқ бўлган. Бу дозаларда препарат ҳайвонларнинг ўлимига олиб келмайди, тана вазнини камайтирмайди ва талокнинг вазнини (45 мг/кг дозада) энг кам камайтиради ва оқ қон ҳужайралари даражасини бироз пасайтиради. К-2 фаоллигига 40 мг/кг дозада таққослаш дориларидан энг яқин цисплатин (86%) ва доксирубицин (86/87%) самарали бўлган. Таксол ва циклофосфан фаоллиги 13-14% паст бўлган ва 5-фторурацил ва этопозид қаоллиги 28-30% паст бўлган ва колхаминнинг фаоллиги 40-42% паст бўлган. Шу билан бирга, уларда кучли ножўя таъсирлар бўлган.

УКС га битта юборилишда К-2 препаратининг фаоллиги 47-42% ни ташкил этди. Тухумдон ўсмаларида 10 марта юборилишда унинг фаоллиги 86/84% ни, таксолда – 82/80% ни ташкил этди.

